

Ижодкор таржимаи ҳоли туғилган ёки вафот этган йилдангина, асарларининг ёзилган санаси ёки қандайдир мукофотлар олганига оид маълумотлардангина иборат бўлса, бундай «тарих», бундай биография анча жўн, зерикарли ва ҳатто бадиий ижод жараёнидан, ижодкор руҳиятидан узилган бўлади. Негаки, ёзувчи-шоир ҳаётидаги энг майда воқеа-ҳодисалар ҳам баъзида унинг асарларида руҳий-психологик суратда зухур бўлади. Дунё адабиётшунослигида бадиий асарга ижодкорнинг яшаш тарзи, шароити, муҳити, ишқий саргузаштлари, эътиқодий таянчлари, ҳаётида кечган турли ҳодисалар, кундаликлари ва шу каби бир қанча үнсурлар призмасидан қарайдиган биографик метод кўпинча муваффақиятга эришиб, ўз натижаларида камалакнинг етти рангини жо қиласди.

## Жулқунбоййининг Масковга жўнаши

таян-  
зн.  
жти-  
з ҳар  
мад-  
веш-  
ми-  
тиқо-  
арпо-  
лар  
бино  
кўп-

змла-  
и қи-  
моий  
жид  
сини  
зруфи  
заво-  
сазо-

нинг  
мин-  
қўл-  
рини  
жки-

звкат  
илан  
и та-  
зган  
т энг  
ри -  
нти-  
манд  
и ку-  
зим-  
арни  
кув-  
тида  
у бо-  
здо-  
зма-

пов,  
ров,  
злат  
лари

**Т**аассуфки, бизда бадиий асар моҳияти билан бевосита боғлиқ ҳодиса – таржимаи ҳолни тавсиф этиш ёки бирор бир адабининг ижодий портретини ёзиш ҳали шу кунга довур оддий хронологик маълумотлар қайдидан кўп ҳам юқори кўтарилигани йўқ.

Адабиётшуносликда Абдулла Қодирийга оид тадқиқотлар кўп. Гарчанд Қодирийшунослика «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнгги кунлари», «Қатлнома» сингари биографик йўсунда ёзилган китоблар мавжуд бўлса-да, улуғ адаб ҳаётининг кўпгина саҳифалари яхши маълум эмас: чалкаш фактлар, файримантиқий талқинлар учрайди.

Абдулла Қодирий отилган, Абдулла Қодирий «халқ душмани» сифатида судланган, сал илгари «аксилинқи-лобий ҳаракат» қилганликда айланниб ҳам қамалган; Абдулла Қодирий Масковда ўқиган...

Мақола мавзуси учун шу нуқта, шу охирги жумла муҳим.

60-йиллари ёзилган айrim адабиётларда адабининг ўқиш даври 1925-1926 саналари билан кўрсатилади. Шунингдек, 1990 йили олий ўқув юртлари талабаларига мўлжаллаб чиқарилган адабиёт тарихи дарслигида ҳам айни сана тақорорланади. Ҳолбуки, адабининг «Кичик асарлар»ига кирган «Таржима ҳоли»да ҳам, шу манбага суюниб ёзилган Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам адаб ҳаёти ва ижодининг Масков даври 1924-1925

йил экани тўғри қайд этилади.

Х.Қодирийнинг «иккита ўн иккى варақли, кўк муқовали тўла конспект дафтар»дан ўқиб олган («Отам ҳақида», 50-бет) ва хотирасида қайта тиклаб ёзган тахминий маълумотларидан бошқа, афуски, Абдулла Қодирийнинг таълим-таҳсилни хусусида тафсилӣ маълумот йўқ.

Ўқиши-ўрганишга ихлос, хоҳиш ҳар кимда бўлиши табиий. Жумладан, таникли ёзувчи бўлиб етишганларда ҳам. Бироқ қалам учидан келадиган даромад эвазига кун кечирадиган ижодкор зотига бу борада доим иқтисодий ма-саласи оғир муаммо бўлиб келган.

Хўш, улуғ адабимиз Абдулла Қодирий Масковга қайси маблағ ҳисобидан кетган эди? Фикримизча, «Туркистон» газетасининг 1924 йил 15-сонидан ўқиб, кўчириб олганимиз қўйидаги муҳтасар хабар шу саволга жавоб бўлади, адаб биографиясининг қоронғу бир саҳифасига ойдинлик кирилади. «Тақдир этарлик бир иш» деб номланган хабар-мақола муаллифи Шокирбеков фамилияли киши шундай ёзган: «Эски шаҳар вақф бўлинмаси Жулқунбойни ўз таъминотига олиб, Масковга ўкушқа юборди. Жўнатиши олдидан беш ойлик маошини қўлиға нақд беруб, бир ойлик мукофот ҳам берди. Иқтисодий идораларимизнинг шундай қадр қилиб қилғон ҳимматлариға офарин деймиз ва ўртоғимиз Жулқунбойга муваффақият тилаб, ўзи узоқ, кетса ҳам, қаламининг яқинда туришини умид қиласмиз».

Бор гап шу. Демак, Абдулла Қодирий «эски шаҳар вақф бўлинмаси» ҳисобидан, унинг иқтисодий ёрдами билан Масковга ўқишига кетади.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, Туркистонда илгаридан фаолият кўрсатиб келаётган вақфлар 1923 йили Туркистон шўролар жумхурияти ижроқўмининг 173-сонни декрети билан маориф комиссарлиги таркибига киритилади. Бу иқтисодий ташкилот тар-

### Ҳикмат

Ёзувчи турмушни ҳар тарафлама ўрганиши, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиши керак. Қисман бошимдан кечиргандарим менинг ёзувчи бўлишимда катта рол ўйнаган.

Абдулла ҚОДИРИЙ

## Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига



кибида иккита – диний ҳамда маданий ва маориф ишларига белгиланган вақфлар иш юритади. Айни вақфлар, шунингдек, «Қўмак» ва «Нашри мориф» хайрия уюшмаларининг ёрдамида ўша йиллари Русияда беш юздан ортиқ, Германияда юзга яқин, Бокуда ўттиз бешта ўқувчи таҳсил олади. Қолаверса, Абдулла Қодирийнинг Москвада ўқишининг харажатларини ўз зиммасига олган вақф идорасида ёзувчининг кўнглига яқин Ҳожи Зуфарий, Мунаввар Қори, Заҳридин Аълам каби ҳаммаслак кишилар ишлар эди. Воқеан, Шокирбековнингтилагига, «Муштум»га берилган ваъдага кўра Жулқунбой «ўзи узоқ кетса ҳам», юрт матбуотига «қаламининг яқин туриши»нинг имконини топди. Хат ўйсинада мақолалар юбориб турди. Жулқунбойнинг Москвадан туриб ёзган битикларида ёлғизланиш, бегонасираш, муҳитга кўнига олмасликка ўхшаш кайфият сезилиди. Айни чоғда, у ерга ўқишга боргандар ҳолидан, бекорчилигидан, олифтагарчилигидан муштумона шевада ёzáди. «Бу ергадаги болалар аҳволларидан сўрасалар, алҳамдуллоҳ, улар ҳам ўйнаб-кулиб юрийдилар. Субҳи шом, балки алладдавом таҳсили улум кўйидадирлар. Аммо болаларнинг орасида беого ва беамал ошиқ ўйнаб, ит уришириб, кўйнак-иштон йиртиб юрганлари йўқ, деб айта олмасам ҳам, лекин бор дейишга ҳам тилим бормайди...».

Жулқунбой шу зайл қалам суради. Чамаси баъзи ўқувчи-талабалар таҳсилидан кўнгли тўлмайди, маърифат тилагида келган айрим ёшлар маржаларни етаклаб, бузғунчилик кўчаларига киради: эҳтимол, киядиган кундалик кийими ёки соқол-мўйлови билан ташки қиёфасини ўзгартирад, аммо миллат қайғусида, миллий фикрда ўзгариш кўрилмайди. Шунингдек, она кўксини қўмсаб тургувчи, она сути оғзидан кўтмаган, жиддий қилиб айтганда, миллатга хизмат нелигини англамаган, фикран етилмаган гўдак – болалар ҳам

ўқишига юборилганки, бунинг фойдасидан зарари кўп. Бундай куруқ исроф учун куюниб ёзилган сатрлар «Миллий ашулачимиз фалончи Италияда ўқиб қайтдими?» номли пичингда ҳам кўринади...

Жулқунбой Москвадан йўллаган «Тўртнчи хат»ининг «Қари қиз пешонанга йиғла!» деган жойида ёзади: «Оғзимни капа-капа очиб, рутубат микробларидан уч-тўрт юзини наҳорга танаввул қилгач, устидан «қир-қир» қилиб йўталиб ҳам қўйдим. Баъдан зон юзимни қиблага қаратиб, Москванинг шундай болонишин еридан уй олиб, менга ўхшағон нимжонларни рамақижонлик даражасига етказишга таважжӯҳ қылғон ваколатхонамиз ҳақига дуойи холис учун қўлимни очдим...». Хуллас, илм талабида юрган баъзи кимсаларнинг яшаш шароити ҳам кўнгилдагидек эмас; оғир шароитга, етар-етмас таъминотга тоқат қилиб, илм олиш учун ҳазрати «Айюб Собир»нинг сабрлари лозим. Абдулла Қодирий Москвадалиги пайтида бу каби ҳолатларни ўз кўзи билан кўрди; шунинг ичидаги яшади ва «Муштум»га ҳангома, пичинг, тажоҳили орифона йўсинада ёзиб, журнал сипоришиларини қондириди. Албатта, хизматидан атайин руҳсат олган ёзувчининг нияти «уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлмак эди». Аммо...

Зид фикр давоми учун далил: «Московдан 1925 йилнинг июнь ойинда ёзги таътилга Тошкентга қайтдим. 25-26 йилнинг таҳсилига Москвага бора-ман, деб тайёрланғон вақтимда Алимов мени олиб қолди...» (Демак, адабнинг ўқишида юрган даври роппа-роса бир йилга – 1924 йил июнидан 1925 йил июнь ойларига тўғри келади). Қизил матбуот арбоби Комилжон Алимов, эҳтимол, Абдулла Қодирийни матбуотда бирга ҳамкорлик қилиш таклифи билан «олиб қолган»дир. Иккинчидан, кейинчалик ёзувчи ижодининг қора нуқтатлари ўлароқ ёдга олинид, танқид этилган «Масков ҳатлари» ҳаммага ҳам хуш ёқаверган бўлмаса керак. Негаки, унда ҳақиқатни күлгили йўлда айтиш, мавжуд ижтимоий, адабий ҳаётга, маданий-мъарифий таълим тадбирлари жараёнига нисбатан танқидий руҳ кучли эди. Шуниси ибратлики, Абдулла Қодирий ўзгача бир муҳитда ҳам ўз услубига, ўз қаламига содик қолади: руҳиятидаги тирик назар, уйғоқ қалб ўз маншашидан асло узоқ кетмади. Шу маънода, Абдулла Қодирий ҳаётини ва ижодининг Москвадаври ҳозирги мавжуд саёз талқинларга нисбатан – далиллар асосида – анча чуқурроқ ва тे-ранрок тадқиқ этилиши лозим.



Баҳодир КАРИМ,  
адабиётшунос